



“**25**” **09** 20**20** у./г

№ **13**

Toshkent sh. – г. Ташкент

Қозоғистон Республикаси худудида парранда гриппи касаллиги қайд этилганлиги туфайли ва Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Конуни 24-моддасига мувофиқ ҳамда республикамиз худудига ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари қўзғатувчиларининг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида

**Қарор қиласман:**

1. 2020 йил 25 сентябрдан бошлаб Қозоғистон Республикаси Оқмола вилояти ва Чимкент шаҳридан тирик ҳайвонлар, шу жумладан, ёвойи, цирк ва зоопарк ҳайвонлари, генетик материал, термик ишловдан ўтмаган гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда сут ва сут маҳсулотлари, жун, ичак хомашёси, тери ва чарм, ҳайвонларни боқиш ва сўйиш мақсадида муқаддам фойдаланилган жиҳоз(ускуна)ларни республика худудига олиб кириш ва республика худудидан транзит олиб ўтишга вақтинча чеклов ўрнатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига:

- Қозоғистон Республикасининг Оқмола вилояти ва Чимкент шаҳридан юқорида қайд этилган давлат ветеринария назорати остидаги товарларни республика худудига олиб кириш ва республика худудидан транзит олиб ўтиш вақтинча таъқиқлансин ва ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишига йўл қўймаслик бўйича барча зарурий чоралар кўрилсин;

- чегара ва транспорт ветеринария пунктлари фаолияти устидан назорат кучайтирилсин.

3. Мазкур қарор давлат ветеринария хизматининг барча тузилмаларига ҳамда манфаатдор вазирлик, идора, корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлик субъектларига етказилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори ўринбосари А.Акбаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош давлат ветеринария**  
**инспектори**



**Б.Норқобилов**